

Турмушимиз тарзи

МИЛИЦИОНЕР ХОТИРАСИ ШАРАФИГА

Фарғона водийсида санъатга муносабат қай даражада эканлиги ҳаммага маълум. Бу масканда яшаб ўтган санъат дарғаларини санаш шарт эмас. Водийнинг хушхулқ халқи спортга ҳам ниҳоят даражада катта эътибор билан қарайди. Одамлари қайси соҳада иш-ламасин, хоҳ у деҳқон, хоҳ чорвадор ёки зиёли, санъат ва спортни жон-дилидан севади. Турли-турли саналар сабаб бўлиб, турли-турли ўзига хос сайллар, спорт мусобақалари ўтказиш анъана бўлиб қолган.

9-10 май кунлари Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги Марказий ўйингоҳ ҳам томошабинлар билан гавжум бўлди. Шу кунни туман ички ишлар бўлими ва спорт қўмитаси ташаббуси билан милиция ходими шарафига хотира турнири ўтказилди. Очiq айтиш мумкинки, бундай мусобақа, яъни милиционер хотираси учун, жумҳуриятда илк бор ўйштирилди. Қувонмасликнинг иложи йўқ, албатта.

Сўз туман ИИБнинг собиқ бошлиғи милиция подполковниги, марҳум Минаваржон Саминжонов ҳақида бораяпти. Турнирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар вилоят ИИБ бошлиғи милиция полковниги Т. Муллажонов, туман ҳокими С. Аҳмадқулов, халқ маорифи бўлими мудирини М. Холматов ва бошқалар бу инсоннинг хизмат ва ҳаёт йўли ҳақида йиғилганларга батафсил гапириб бердилар.

Турнир иштирокчиларини мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчилари муносиб кутиб олишди. М. Саминжоновнинг оила аъзоларига гулдаста ва эсдалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг навбат мусобақа иштирокчиларига берилди. Унда беллашувчи 11 волейболчи жамоа иккита майдонга бўлиниб, соврин учун кураш олиб бордилар. Кува, Охунбобоев, Ўзбекистон, Бувайда, Учкўприк, Риштон, Олтиариқ туманлари ИИБ жамоалари, шунингдек Бувайда ва Бағдод тумани маорифчиларининг ҳаваскор-волейболчилари учрашувни жуда қизиқарли ўтказишди. Якуний натижага кўра, бош соврин бағдодликларга насиб этди. Иккинчи ўринни ҳам мезбонлар — маорифчилар банд қилишди. Учинчи поғонага эса Охунбобоев тумани волейболчилари кўтарилишди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз, хотира турнирини ўтказишда туман ҳокимияти, корхона, таъкилот ва жамоа хўжаликлари ҳамда марҳумнинг ёр-дўстлари ташкилий комиссияга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатдилар.

Турнир ёпилишида М. Саминжоновнинг мактабдош дўсти, ҳозирда Фарғона дорилфунун кафедраси мудирини, Ўзбекистон халқ ноибини Ю. Нишонов сўзга



чиқди. Ва очiq турнирнинг анъанавий бўлиб қолишига ишонч билдирди. Девордаги гиллама илинган марҳумнинг катта сурати эса уни ёдга олганлардан миннат-

дордай боқиб турарди...
А. СОБИРОВ,
Бағдод тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори.
Ж. БОЛТАБОВ.

СУРАТЛАРДА: хотира турнирдан лавҳалар.

Ғ. УБАЙДУЛЛАЕВ
олган суратлар.

деди у ва ботинкасини ечиб, печкага яқинроқ сурилди. Пайпоғи жиққа ҳўл эди.
— Бўлақолсанг-чи! — деб шоширишарди ўртоқлари.
— Яна озроқ ўтирай...

ОНАДИР УЛ...

Кутилмаганда унинг ёнида бир аёл пайдо бўлди.

— Вой болагинам, оёғингни қанча иситмагин — бефойда. Ивиб кетибсан-ку. Қани, пайпоғингни еч!

Аёл шундай дея сумкачасини очиб, иккита сувқоғоз-

дан тайёрланган пакет олди. Боланинг оёқчаларига пайпоқ қилиб кийгизди.

— Ана энди каллишининг тешигидан сув кирмайди. Амаллаб уйингга етиб

оласан, — деди ўзининг ишидан ўзи мамнун бўлиб.

— Раҳмат, холажон!..

«Холажон»ни яхши танийман. Дилбархон Дўстмухамедова Тошкентдаги биринчи пойабзал фабрикасининг учинчи цехида уста бў-

либ ишлайди.

Сал нарида бир нўғай хотин унинг ҳатти-ҳаракатларини зимдан кузатиб турган экан, пилдираб келди.

— Бик куйинчак экансан. Наста, ўзингни малайларинг бўлмаганми? — деб сўради.

Дилбархон:

— Худога шукур, ўғил-қизларим бор, — деб жавоб қилди. Кейин бир оз ўйла-ниб тургач, қўшиб қўйди.

— Улар ҳам меники, бе-гона эмас...

Холмуҳаммад МУИДИНОВ,
милиция старшинаси.

Янглишмасам, январь ойлари эди. Чорсу бозори ҳудудидаги дўконлардан бирига совуқдан кўкариб кетган олти-етти ёшлардаги уч нафар болакай кириб келди. Бир муддат музлаб кетган қўлчаларини «куҳ-куҳ»лаб иситишди. Кейин уларнинг ничида дарозроғи:

— Бўлларинг, тезроқ, кетамиз! — деди.

Аммо болаларнинг миқтидан келгани кетишни минбаъд истамасди.

— Шошмагин, оёқларимни бир оз иситиб олай, —

Постда


Мухаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

• Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. • Мақолада келтирилган рақамлар, фантлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очiq эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. • Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фанрига мос тушмаслиги мумкин. • Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 18.00.

Босмага берилди 17.00.

13002 нусхада чоп этилди.

Буюртма — № Г—96.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

